Оила ва жамият

عائله و جمعیت

Апрел 16 '92

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ • БАҲОСИ 2 СЎМ

МУСТАҚИЛЛИК

Суратчи: В. ТЎРАЕВ

БУГУНГИ СОНДА:

2-БЕТ
ЧЎПОННИНГ ОЙЛИГИ ҚАНЧА!

3-БЕТ
ЭР ХОТИНИГА АКА БЎЛА ОЛАДИМИ!

4-БЕТ
ҚАРИ ҚИЗНИНГ КЎРГУЛИКЛАРИ

5-БЕТ
АФҒОНИСТОНДАН УНИНГ ТОБУТИ КЕЛГАН ЭДИ...

6-БЕТ
НИКОҲ МУҚАДДАСДИР

КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

МАРҲАБО АҲМЕДОВА:
ҚОЗОНДАГИ ТОШ

РЎЗИМБОЙ ҲАСАН:
ПРОКУРОР НОН ЁПАЁТҒАН ЭМИШ

ҲАЛИМ САЙИД:
ИКРОМЖОН БЎРОНОВ ҚАЕРДА?

БАРМОҚ ТИШЛАБ ҚОЛМАНГ!

Аввал хабар берганимиздек газетамизнинг сотувдаги баҳоси 2 (икки) сўмга чиқди. Афсуски, бу сўнгги сарҳад эмас. Ўрис рублининг қадри шу ҳолда тушиб кетаверса, эртага яна-да қимматлашиши табиий.

Унутмаган бўлсангиз, ўтган йили Сиз газетамизнинг ҳар бир донасига 20 тийиндан (жами — 10 сўм 56 тийин) ёзилган эдингиз. Бугун бошқасини қўйиб туринг, бир дона «Оила ва жамият»ни уйингизга олиб бориб беришнинг ўзи 30 тийинга тушмоқда. Қисқаси, ўтган йили Сиз тўлаган 10 сўм 56 тийин аллақачон «ўпқон»га тушиб кетди! Энди биз, ҳар қанча ноқулай бўлмасин, кейинги ярим йилликка янгидан обуна бошлашга мажбурмиз! Шу кеча-кундузда янги нархда обуна бўлмасангиз, 1 июлдан «Оила ва жамият»ни ўқишдан маҳрум бўласиз. Бу 1992 йилда эски (10 с. 56 т.) обуна бўлганларча ҳам таалуқли.

Обуна баҳоси сотувдагидан ярим сўм арзон — 1 с. 50 т.

Олти ойга — 39 сўм.

Обуна индекси — 64654.

Етти кун

ТЕКИСЛАЁТГАН ЭДИ...

Сурхондарё вилоят Узун туманига қарашли Хурсанд қишлоғилик бульдозерчи Ж. Аннақулов ҳамқишлоғининг илтимосига биноан тепаликни текислаётганда ер остидан қадимги бино чиқиб қолди. Мутахассисларнинг тахминича, обида эрамизнинг IV асрларида қурилган. Тепалик нодир жойлар рўйхатига киритилган эди.

МАКТАБ ЁНИБ КЕТДИ

Тошкент вилоят Қорасув (собиқ Калинин) туманидаги 11-ўрта мактаб батамом ёниб кетди. Етиб келган ўт ўчирувчилар ёнғин олдида ожизлик қилишди. Гувоҳларнинг айтишича, мактабни тиклаб бўлмайди. Кўчада қолган 430 ўқувчи маҳалла ёнидаги шаҳар мактабида иккинчи сменада сабоқ олмоқдалар.

«ЭНДИ ЧЎЧҚА БОҚМАЙМИЗ...»

Исломда чўчқа гўштини истеъмол қилиш ҳаром ҳисобланган маълум. Қисматнинг қаттиқ ҳазилини қарангки, чўчқани маҳаллий одамлар— мусулмон фарзандлари боқиб, семиртиришар, гўштини эса бошқалар ейишарди...

Сурхондарёнинг Бойсун туманида оврупаликлар нисбатан оз бўлса-да, маҳаллий аҳоли чўчқа гўштидан ҳазар қилса-да, чўчқачилик бор эди. Яқинда туманнинг Ойбек номидаги давлат хўжалигида бу «соҳа» батамом тугатилди.

УЙҚУСИ ҚОЧДИ

«Туркистон» газетаси мухбири Тўхтамурод Ҳасанбоев Пскент пахта тозалаш заводидан «хушхабар» олди. Унда айтилишича, Т. Ҳасанбоев заводнинг «Шодлик» боғчасига қатнаётган икки фарзанди учун бундан кейин ҳар ой 640 сўмдан «овқат пули» тўлаши керак экан. Аёли ишламайдиган (гўдаги бор) ўзи эса 700 сўм маош олувчи ҳамкасбимизнинг уйқуси қочди.

ШИОР ҚАНИ!

Номини «Тонг юлдузи» деб ўзгартирган «Ленин учқуни» газетаси ёпилиш арафасида. Рўзнома биргина алоқачилардан 6 млн. рубл қарз. «Ёш куч», «Гулхан», ва «Ғунча» журналларининг аҳволи ҳам бундан яхши эмас. Ўтган йили 100 мингга яқин обуначи тўплаган «Ширинтой» журнали туғилмасдан ўлганга ўхшайди. «Ҳамма яхши нарсалар — болаларга!» шиори қаерга йўқолди!

ТОҒЛАРГА БАҲОР КЕЛДИ

ТИНДИМ ТУНДА, ТИНМАДИМ КУНДУЗИ

Ғозғон давлат хўжалиги Нурота туманидаги чорвадор хўжаликларидан бири. Тўрақул ХЎЖАҚУЛОВ эса юздан зиёд чўпондан биттаси. Тўрақул ака билан суҳбатимиз Аросой кенгликларида кечди.

— Хўжаликдаги бир юз олти чўпоннинг аксарияти қўйларини «қириб қўйган» бу йилги қишдан отарингизнинг талофотсиз чиқиш сири нимада! Тўл мавсумини ҳам бир юз олти фоизга якунлабсиз!

— Хўжалигимиз бултур хас-хашак, арпа-буғдойни бошқа туманлардан сотиб олиб, отарларга шунга яраша тарқатувди. Бунинг устига қиш ҳам чўзилди. Қўлдан берганга қуш тўймас, деган гап бор. Ёзнинг ёзиғи — қишнинг озиғи дейдилар. Ёзу қиш бола-бақра билан қимирлаб, ўзимиз ҳам хашак жамғардик. Бекор гапмас, ёзда юз яма, қишда ғам ема, дегани. Баъзи бировлар «Эй-й, бир чўпон-да» деб қўйишади. Чўпонлик ҳам осон ишмас. Кўпчилик, иш бор жойда ош бор, дейди-ю ишнинг ўзини билгунча — кўзини бил, демайди. Чўпонларда шабчар, гармчар деган гаплар борки, амал қилинмаса, гаплигича қолиб кетади. Шабчар — сурувни кузу қиш кечалари соат ярим тундан саҳаргача яйловда ҳайдаб боқиш бўлса, гармчар — саратонда туш маҳали ётқизмай ёйиб ўтлатишдир. Одамни пўстин эмас, иш қиздиради, ука. Қўй-қўзи янтоқ, каррак, шувоқни жуда хуш кўради. Ўт-ўлан-ку жони дили. Аросойда булар мўл. Қаршининг арпасидан Аросойнинг шувоғи яхши, дерканлар қадимда шу ерларда қўй боқкан амирнинг чўпонлари. Қирқ тўрт йилдан буён сурув ортидан юриб билдимки, ҳақиқатдан шувоқ молни семиртиради. Қоракўлиям кўзни олади. Моли тўқнинг кўнгли тўқ деган гапнинг ёлғони йўқ, ука. Қишга сурувни семиртириб кирган чўпон шабчарга амал қилса, ўз вақтида ем-сувини бериб, иссиқ-совуғидан хабардор бўлса, қишдан омон, талофотсиз чиқиши аниқ. Семиз совлиқлардан дуркун, соғлом қўзилар олиб, тўлниям зўр якунлардик.

— Меҳнат ҳам эгиз-эгиз, давлат ҳам эгиз-эгиз, денг.

— Емон эмас. Молга берсанг соз емиш — боқар сени ёзу қиш, молинг зотли бўлса, емишинг тотли бўлади, дегувчийди умри қўй кетидан ўтган отам раҳматли. Бугун мен ҳам ўғилларимга «қўйи кўпнинг иши хўп», деб қўяман гоҳида.

— Шахсий қўй-қўзингиз ҳам кўпдир!

— Нега кам бўлиши керак? Кўрада кўрсам — қорним тўқ. Тирикчилигимиз, ризқимиз шундан бўлса. Келин тўйи, қиз узатиш дегандек, орзу-ҳавас бор...

— Оилангиз каттами!

— Кичкина эмас. Ўғилларим — Шодмон, Нуриддин, Акмаллар — касбимни тутишган. Нурмурод, Бобомурод, кичик қизим — Зебо олийгоҳу мактабларда дарс беришади. Кенжам — Акмалдан бошқа ҳамма ўғилларни уйлантирганман. Катта қизим — Сафаргул ҳам аллақачон уйли-жойли бўлиб кетган. Онаси, Зебо қизимизга сеп йиғиш билан овора.

Анвар холам тайёрлаган ниҳоятда хуштаъм қўй қатиғидан роҳатланиб, Тўрақул ака билан яна аллақанча вақт гурунглашдик. Шу кунларда қаерга борсам, кимни учратсам, нарх-наводан, кун кечириш қийинлашиб кетаётганидан нолийди. Нолиш не, зорланади. Шу сабаб бугун юрак безиллаб қолган. Қизиққи, Тўрақул ака турмушидан бирор марта нолимади. Аксинча, олаётган ойлигидан сўз очганимда, гапни бошқа ёққа бурди. Кейин суриштириб билсам, хўжалик ҳозир қарз ҳисобига яшаётган бўлиб, чўпонларга ҳар бош қўй ҳисобидан шу пайтгача 50-60 тийиндан иш ҳақи тўлаб келинаётган экан. Президентнинг чорвачилик маҳсулотлари харид нархини, чорвадорлар ойлигини ошириш ҳақидаги қарорлари энди-энди амалга оширилмоқчи экан.

Тўрақул ака, шусиз ҳам боши қотган раҳбарларига гап тегмасин дедими, ойлиги камлигини ҳар нечук айтмади. Аксинча, қайсиям йили мукофотга «Жигули» олганини эслади. Тўрақул аканинг олдидан қайтарканман, «тиндим тунда, тинмадим кундузи, бўлди қўй телпагим қундузи» мақоли дилимдан кечди. Шабчарни эсладим. Шундан моли тўқ-ку, бақувват-ку! Моли бақувватнинг бели бақувват, бели бақувватнинг эли бақувват, мақоли хотиримга келди. Тўрақул чўпондек бақувват кишиларимиз кўпаяверсин.

Ўрол ЎЗБЕК
«Оила ва жамият» мухбири.

Ҳодиса

Талабалик йилларимда дарсдан қайтаётиб, ҳар куни 20 тийинга музқаймоқ олиб ердик. Квасни уч тийинга (беш тийин эмас) олардик.

Бир куни музқаймоқ сотувчи қиз билан ёши ўттизлардан ошинқираган бир одамнинг жанжаллашиб тургани устидан чиқиб қолдик. Жанжал тобора жиддий тус оларди.

ҚАЙДАСАН, ҲАҚИҚАТГЎЙ ИНСОН

«Сиз»лашаётган тиллар «сен»лаша бошлади. Орага «милиция», «текинхўр» каби сўзлар қўшилди.

Маълум бўлишича, жанжалга сабабчи бўлаётган асосий нарса арзимас икки тийинлик чақа экан. Ҳаридор 18 тийинлик музқаймоқни 20 тийинга олишдан норози. Сотувчи қиз эса 2 тийинлик тополмасдан хуноб. Оқибат — катта томоша.

Ҳозирги кунда метро ва автобусларда танга йўқлигидан 1 сўм ҳатто, 3 сўмликни ташлаб, қайтимига қарамасдан кетаётганларни кўрганимда, ҳар гал ўша воқеа эсимга тушавераді. Қайдасан, ҳақиқатгўй инсон, деб қўяман, ўзимга ўзим!

Ю. БОЙМАНОВ.

ОТА — БОЛА ХЎП ЙИҒЛАДИК

Марғизорда гап тарқалди: Қосимжон тирик экан. Ҳамма ҳайрон: тобути келган одам қанақасига тирик бўлади? Ахир бундан олти йил муқаддам — 1986 йилнинг 11 сентябрида уни эл-улус барча «расм-русум»лари билан ерга қўйган эдик-ку? Ҳозир катта кўча, катта мактаб унинг номи билан аталади...

Мени Қосимжоннинг отаси Мавжудали ака қарши олди.

— Ўтган йилнинг 11 ноябрида ўғлимнинг тириклиги ҳақида илк хабар келди. Аввалига ишонмадик. 18 декабрда «Независимая газета»да ўғлимнинг сурати билан босилган мақолани ўқиб, бошимиз кўкка етди.

— Яқинда Покистонга бориб, ўғлингизни кўриб келибсиз! У ёққа Сиз билан бирга яна кимлар борди!

— Ўғлимнинг соғ-саломатлиги ҳақида хуш хабар олганимиздан сўнг, 2 ой ўтгач, Покистонга учдик. Биз билан бирга Узбекистон халқ ноиби Вилор Ниёзматов, Русия ҳукумати вакили Иона Андронов ҳамда ўғлим билан бирга асирликда яшаётган Носиржон Рустамов ва Рустамжон Абдукаримовнинг оталари бор эди.

— Ўғлингизни таниндингизми!

— Улар Пешовардан келиб бизни кутиб туришган экан. Ўғлимни кўриб, тўғриси, ҳаяжондан тилим калимага келмай қолди. Қосимжон: «Дада!» деганча менга отилди. Ота-бола хўп йиғладик. Саккиз йил асирликдан сўнг кўришишнинг ўзи бўладими?

— Қосимжон ўзи ҳақида нималарни гапирди!

— Улар, яъни ўзбек асирлари анчамунча илм ўрганишган. Бурҳониддин Раббоний қўлида, мадрасада ёшларга ислом динидан сабоқ берар экан. Қосимжон форс тилида тутилмасдан гапиряпти. Ҳатто у ёқда бўлган мажлисда сўзга чиқди.

— Уйланганми!

— Йўқ!

— Раббоний ким ўзи!

— Ўғлимнинг айтишича, у кишининг асл келиб чиқиши Самарқанддан. Илм одами — профессор эканлар. Ўғлимга ҳақиқий мусулмонликни ўргатибди. Уни ўлимдан асраб қолган ҳам шу киши. Уйдан тўн, дўппи-белбоғ олволган эдим. Раббонийга совға қилдим. Ёнимдаги пичоғимни ҳам бериб юборибман.

— Исломободда неча кун бўлдингиз!

— Тўрт кун. Ўғлим билан икки кун бирга бўлдик.

— Фарғоналик Носиржон Рустамов сизлар билан бирга қайтиб келибди. Ўғлингиз нега келмади!

— Ўғлим қачонки, Афғонистон озод бўлиб, Оллоҳ амр этса, уйга қайтмоқчи.

«Туркистон» рўзномасининг 1991 йил 3 декабрь сонида «Овозингни соғиндим» номли мақола эълон қилинди:

«Давлатали ҳикоя қилади: — 1986 йилнинг 4 сентябри эди... Телевизорда «Время»ни кўриб ўтирардик. Ҳар куни Афғонистонни кўрсатишармикан, дердик интиқиб. Ниҳоят Ҳайратон-Қобул йўлида машиналар колоннасининг душман ҳужумига дуч келганлигини, бир неча аскар ҳалок бўлганлигини айтиб, ўт ичида ёнган машиналарни кўрсатишди. Ҳаёлимга Қосимжон келди. Юрагим жиз этди...

Ҳа, кўнгил сезар экан. Уша «Время»да кўрсатилган фожеа айни Қосимжонлар бошидан ўтган, бу пайтда у куйиб дунёдан ўтган экан. Орадан беш кун ўтиб, 9 сентябрь куни Наманганга «темир тобут» келди».

— Тобутни олиб келишганда уни очишларини сўрадим, — дейди Давлатали ака биз билан суҳбатда. — Ҳар бийлар рухсат беришмади. Кечқурун барибир очиб кўрдим. Мурдани таниб бўлмас эди. Куйиб, қорайиб бир парчагина бўлиб қолибди. Тақдирга тан берган эдик. Укамни, «ўлимидан сўнг» «Қизил Юлдуз» ордени билан тақдирлашди. Биз яшаётган кўча унинг номи билан аталди. Ҳатто енгил машина ҳам ажратишди...

Саросима ичида қолган бу серташвиш хонадондан қайтар эканман, уй соҳиби М. Эрматовдан мужоҳидлар орасида яшаётган фарзанди ҳақида ҳабар берган «Независимая газета»ни сўраб олдим. Қуйида ўша рўзномадан олинган мақолани ўқисангиз, воқеа ҳақида яна-да тўлиқроқ тасаввурга эга бўласиз, деб ўйлайман.

Фурқат РАҲИМ,
ТошДД толиби

БАХТИЁРМАН, КОММУНИЗМ МАҒЛУБ БЎЛДИ

«Майли, биз сенинг кўзингизни боғлаб ўтирмаймиз. Бироқ сиз ҳарбий асирни қаерда кўрганингизни ҳеч кимга айтмасликка ваъда берасиз!» — дейишди мужоҳидлар. Шу боис фақат шуни айтишим мумкинки, Бурҳониддин Раббоний раҳбарлик қилаётган Афғонистон Ислом жамияти» ихтиёрида бўлган шўро аскари билан Покистоннинг Пешовар шаҳри чеккасида учрашдик. Бинонинг иккинчи қаватида темир дарвозали, деразалари панжара билан ўралган саккиз хона бор экан. Учрашувда бир неча мужоҳид иштирок этди. Сухбат пушту-инглиз таржимони ёрдамида ўтди.

— Исмингиз нима, қаерда туғилгансиз?

— Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим!

Ўрисча гапиришни хоҳламайман. Исмим — Абулқосим. (У асирликда исмига «Абул» қўшимчасини қўшган — Ф.Р.) 1966 йил Ўзбекистонда туғилганман. Миллатим — ўзбек. Ота-онам Поп тумани, «Коммунизм» колхози Марғизор қишлоғида яшайди.

— Қачон асирликка олиндингиз?

— 1986 йил асирга тушганман. Ҳарбий қисмда шофёр бўлиб ишлардим. 50 га яқин ҳайдовчи бор эди. Биз Қобулда жойлашган эдик.

— Қандай қисмда ҳизмат қилганингизни айта оласизми?

— Йўқ. Қисмимиз ўта махфий бўлган. Ўша йилларда бундай маълумотлар ҳеч каерда ошкор этилмасди.

— Унвонингиз қандай эди?

— Оддий аскар.

— Сизни қандай асирга олишди?

— Мен мужоҳидлар томонига ўз ихтиёрим билан ўтдим. Парвон вилояти бошлиғи Муштак қабулига бордим.

— Нега бундай қилдингиз? Мужоҳидлар томонига ўтдингиз?

— Биринчидан, шўро армиясининг тартибсизликлари жонимга тегди. Масалан, ҳамма наша чекарди. Бизга айтишган эдики, Афғонистонда Америка империализмига карши кураш олиб бормоқдамиз. Мен ёлғон дунёда яшаганлигимни мужоҳидлар сафига қўшилгач, яна-да равшанроқ англадим. Мусулмон биродарларимизга карши курашган эканман.

— Беш йил асирлик қандай кечди?

— Ўн ой мени ҳибсда саклашди. Кейин мужоҳидлар томонида кураша бошладим.

— Сиз Афғонистонда Коммунистик тузумга қарши курашдингиз. Фикрингиз қандай: сиз асирми ёки эркин аскар?

— Мен асир эмасман. Мен мужоҳидман, мусулмонман. Мен русларга карши курашаман, коммунистларга карши курашаман.

— Сиз қайси давлат фуқаросисиз? Шўроникими, афғонми ёки Покистонники?

— Мен — ўзбек ва мусулмон мужоҳидиман.

— Хизматга чақирилишдан олдин Ўзбекистонда нима иш билан шуғуллангансиз?

— Мичурин номли ўрта мактабда ўқиганман, кейин меъморликни ўргандим.

— Покистонда шўро асирларини учратдингизми?

— Жавоб беришга ожизман. Бу — сир.

— Шўро давлатида қандай воқеалар бўлганидан хабардормисиз? Раббоний Москвадаги музокараларда Шўро асирларининг биринчи гуруҳини 1992 йил январигача қўйиб юборишга ваъда берган экан.

— Рўзномаларда ўқиганман, асосан, «Би, би, си» ва «Америка овози»дан эшитганман.

— Агар уйига кетаётган мана шу биринчи гуруҳга тушиб қолсангиз, нима қилган бўлардингиз? Уйга қайтасизми, қоласизми ёки бошқа мамлакатга ўтиб кетасизми?

— Афғонистон озод бўлгунча мужоҳид дўстларим билан шу ерда қоламан. Кейин худо хоҳласа, уйга қайтаман. Илҳом исмли дўстим уйга қайтди. Биз тўрт йил бирга бўлдик. Илҳомнинг отаси Саудия Арабистонига, ўғлини олиб кетгани келди. Бироқ мен ота-онам келса ҳам, уйга қайтмасдим. Мен профессор Раббонийга ваъда берганман. У қачонки ўз юртига кетса, мен ҳам уйга қайтаман.

— Сиз мусулмонсиз. Ватанингизда ҳам масжидга бориб турармидингиз?

— Ҳар замонда. Бу ерда ҳақиқий мусулмон бўлдим.

— Хизматга кетаётганингизда ота-онангиз бормиди?

— Ҳа, Ўзбекистонда менинг отам, онам, тўрт акам, уч синглим бор. Мужоҳид бўлганимдан бери улар билан ҳеч қанақа алоқам йўқ. Мен уларни Оллоҳга топширдим. Уларга кўплаб мактублар жўнатиб, жавобини олганим йўқ.

— Мужоҳидлар хат ёзишингизга рухсат беришадими?

— Ҳа, ҳатто бу ерда, Пешоварда ёлғиз ўзим шаҳар айланишим мумкин.

— Ота-онангизга қандай хабар етказишимни хоҳлайсиз?

— Соғ-омон эканлигимни айтсангиз бас. Улар ҳам ислом йўлидан тўғри борсинлар.

— Афғонистонда юзлаб вайрона бўлган, ёндирилган қишлоқларни кўрдик. Сизнингча, буларга ким айбдор?

— Шўро армияси.

— Яна нималарни айтишни хоҳлардингиз?

— Мен коммунизм мағлуб бўлганидан бахтиёрман.

Бизнинг бу суҳбатимизда бир неча мужоҳид иштирок этганлигини эътиборга олсак, жавоблар бошқача бўлмаслигини англаш қийин эмас. Абулқосим билан хайрлашаётганимда унинг кўзларида пайдо бўлган ифодани ҳалигача унутолмайман.

(Яромир ШТЕНИНА, «Лидовее Новини», Прага).

Суратда: Абдулқосим Эрматов.

Эълонлар

ТАБРИК!

Ўзбекистон халқ ноиби, газетамизнинг доимий муаллифи ва тарғиботчиси Карим Баҳриевнинг оиласида биринчи фарзанд — қизалоқ дунёга келди. Умри билан берган бўлсин!

. . .

Қадрли Раъногон! Сизни газетамизнинг муҳлиси, суюкли опангиз Лутфинисо Қаюмова туғилган кунингиз билан табриклайди. Тошкент шаҳри.

ЕЛҒИЗЛИК

34 ёшли, бўйи 170 см. бўлган Сурхондарёлик (Ленин йўли тумани) йигит иффатли, имонли, китобсевар, ёши 30 дан ошмаган аёл ёки қизни бахтли қилмоқчи. «Оила — 24» га деб ёзинг.

. . .

Ешим 33 да. Бўйим — 166 см. Илгари уйланмаганман. Ўзбекман. Зарарли одатим йўқ. Қишлоқда дурустгина уй-жойим бор. Дорилфунуннинг сўнггги курсида ўқийман. Ёши 28 дан ошмаган ўзбек қизи билан танишмоқчиман. 703012. Самарқанд шаҳри, Урганч кўчаси 65 «А» уй. К.А.А.

ҲУРМАТЛИ НУРИДДИН ЙЎЛДОШЕВ!

Сизни Наманган туманининг Оқбулоқ қишлоғида яшовчи жиянингиз Кифоят Абдувоҳид қизи қидирмоқда. У кишининг ёзишларича, Сиз Тошкент зилзиласидан аввал Ҳадрада яшагансиз. 1960 йили жиянингизни қидириб, Наманганга борган, аммо тополмай келгансиз. Кифоят опа 1928 йилда Тошкентда туғилганлар, 4 фарзандининг онаси. Ҳозир нафақахўр. Манзили: 717108. Наманган вилояти, Наманган тумани, Оқбулоқ қишлоғи, К. Каримова.

УСТОЗ РАУФ ПАРФИ!

Сизни Халқаро Қошғарий мукофотига сазовор бўлганингиз билан қутлайман. Боғдодлик уканги Зоҳиджон Неъмат.

Муҳаммад ЮСУФни яхши танийсиз. Ўз овозига эга таниқли шоир. Кўп шеърлари қўшиқ қилиб айтилади. Қўшиқлари радио, ойнаи жаҳон, даврадардан тушмайди.

СЕНИ ҲЕЧ КИМ СЕВОЛМАЙДИ МЕНИНГДЕК

Ўлсаму унутсанг мендай йигитни,
Ёғар йўлларингга афсус-андуҳим.
Оқ тулпордай миниб оппоқ булутни,
Уйингнинг устидан ўтади Руҳим...

Унга нима дейсан, бевафо ёрим?

Ўлсаму унутсанг мендай йигитни,
Қаро тупроқ силаб ётса курагим,
Сен ўчоқ олдида чаққан гугуртни
Учида ловиллаб турса юрагим...

Шунга нима дейсан, бевафо ёрим?

Сен худо эмассан ахир, ўйланма,
Жонимнинг риштаси қўлида унинг,
Аммо Муҳаммадсиз ўтмайди кунинг,
Кел, майли мен ўлмай, сен ҳам қийналма —

Шунга нима дейсан, бевафо ёрим?!.

* * *

Муҳаббатнинг меҳри менга бўлди қаҳат,
Маъюс дилим армонлари қават-қават.
Изим тўла мен суймаган қизлар бўлди,
Асл ёрни тушларимда кўрдим фақат...

Ўзи йиғлаб, ўзи тўхтаб тўйди юрак,
Бир кўришни орзу қилмай қўйди юрак,
Қадрим бўлак бўлди мудом, дардим бўлак,
Асл ёрни тушларимда кўрдим фақат.

Жаннат гулин лабларидан лаззат сўрдим,
Омад гулин юзларида чиммат кўрдим,
Шоир бўлдим шоҳлардан кўп иззат кўрдим!..
Асл ёрни тушларимда кўрдим фақат.

Ялмоғизнинг ёстиғига тегди бошим,
Ёвуз ари ёрингман деб эгди бошим,
Ёт қучоқда увол бўлди йигит ёшим,
Асл ёрни тушларимда кўрдим фақат.

Излаганим ўша нафис дудоқ бўлди,
Ўша олов, ўша оташ нигоҳ бўлди,
Ўнгимда не қилсам бари гуноҳ бўлди,
Асл ёрни тушларимда кўрдим фақат.

Сувдай оқиб ўтар бўлди умр бесабр,
Бу дунёда кўрганларим таъна, жабр,
Қадамни сал илдам бос, деб имлар қабр,
Асл ёрни тушларимда кўрдим фақат...

СУВПАРИ

Сени ҳеч ким севолмайди менингдек,
Васлингга зор бу ошиқлар эҳтимол,
Пойингга тиз чўкиб йиғлар, эҳтимол,
Лекин содиқ бўлолмайди менингдек.

Алданма ёр, алдамчилар макрига,
Малак бўлма бевафо ишқ шаҳрига,
Улар сени бир босса бас бағрига,
Сени ҳеч ким севолмайди менингдек.

Йўлинг кесиб ўтсам — ўзим хижолат,
Узоқдан бир сени кўрсам кифоят,
Бир нигоҳинг ўзи менга иноят,
Сени ҳеч ким севолмайди менингдек.

Жонингга жон бўлмайману севаман,
Ёнингга бир келмайману севаман,
Исмингни ҳам билмайману севаман,
Сени ҳеч ким севолмайди менингдек.

Сен кўкдаги ҳарир кўйлак, ҳур пари,
Кўк кўлдаги тиниб қолган сувпари,
Муҳаммаднинг кўнглидаги дилбари,
Сени ҳеч ким севолмайди менингдек.

Турмуш гоҳ сокиндир, гоҳ мисли қуюн,
Аммоки мардона ҳаётнинг иши.
Аслида юзинчи наслидан кейин
Қайтадан дунёга келаркан киши.

Имони бут, дили қуёшдек пок зот
Юз насл қонида кўпириб, жўшиб,
Юз авлод умрида тараб яхши от,
Юзлашар дунёга эзгулик қўшиб.

Қамбар ОТА (ЎТА бахши ўғли). Болаларнинг ардоқли, катталарнинг армонли шоири.
Халқнинг гулдай фарзандлари қаторида худо берган икки қиз, икки ўғлининг бахти зиёда бўлишини тилаб, эзгу ниятлар билан қалам тебратаётган назми таъблардан.

...ЧАЛА ДУНЁСАН, ЁЛҒОН ДУНЁСАН!

Дўст яраша шоҳу гадога,
Кўпга бўлсин жоним садаға,
Раҳм айлагил элга, фидога,
Ўзинг асра, ўзинг қўллагин!

Эш бўлолмас турфа оломон,
Ҳеш бўлолмас турфа оломон.
Ундан кўра ёлғиз ўламан,
Ўзинг асра, ўзинг қўллагин!

Номуси йўқ гуруҳларингдан,
Асал урган — дудуқларингдан,
Барча ғирром-тирриқларингдан,
Ўзинг асра, ўзинг қўллагин!

Карвон дегай, норим — давлатим.
Мен шоирман, парим — давлатим.
Йўқ илҳомдан ўзга шавкатим,
Ёлғизингни ўзинг қўллагин!

ДУНЁСАН

Бир қарашда сулув, жонон дунёсан,
Гоҳ телба сувратли ҳайрон дунёсан.
Бағрим бутун деган мардни кўрмадим,
Тўпалон дунёсан, нолон дунёсан.

Қусурсиз бир қаср, мукаммал имло,
Тополмай тентиган — вайрон дунёсан.
Ўзи тиклаганни ўзи топтаган
Оҳ, чала дунёсан, ёлғон дунёсан.

Ишонган зурёдинг ноқобил чиқса,
Бармоғингни тишлаб, толган дунёсан.
Ҳарому ҳалолни теппа-тенг кўриб,
Не юз маломатга қолган дунёсан.

Гуноҳинг бўйнимда, кўзда ёш билан
Мен онам, деб тилга олган дунёсан.
Қамбар Ота каби адо бўлгунча
Ёнмаган дил учун ёнган дунёсан.

ДОИРАЧИЛАР Суратчи: Р. АЛЬБЕКОВ

Хат

ЭР ХОТИНИГА АКА ЭМАС

Ҳали бирор марта бўлса-да, оиламизда ота-онамнинг бир-бирларининг исмларини айтиб чақиришганини ёки гап орасида айтиб ўтишганини сира эслай олмайман. Аммо ҳозирги ёш оилаларда...

Дўстларим, ёру биродарларимни йўқлаб уйларига борсам, эшикни аёллари очишиб, «Палончи ака, сизни чақиришяпти!» ёки «Пистончи акам йўқлар» дейишади.

Уз умр йўлдошининг исмини айтиш қачон урф бўла қолди? Эътибор бериб қарасак, бу одат аксарият ёшларга хос. Демак, у ҳали навқирон ёшда. Унинг урфга айланиши кўҳна одатларимизга Оврўпа маданиятининг қўшилиб кетганлиги деб ўйлайман. Чунки оврўпаликлар урф-одатларига кўра, ўзаро никоҳдаги ёшлар бир-бирларининг исмларини айтиш тугул, ҳатто бир-бирини сенсирашади ҳам. Биз ҳали бу даражага етмадик. Аммо ўша томонга қараб кетаяпмиз, назаримда. Оилавий келишмовчиликлар, ажралишлар, бузуқликлар билан кетаётибмиз. Чунки қон-қонимизга сингиб кетган шарқона тарбия, одоб, маданият ўзгача «маданият»ни кўтара олмаяпти.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ

ЎҒРИ КИМ?

Бир куни тарғил танам даладан қайтиб келмади. Қидириб тополмадим. Мелисага хабар қилдим, нафи бўлмади. Икки ҳафта деганда жонивор ўз оёғи билан уйга кириб келди. Оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади деганларидек, мен уни уйда боғлаб боқдим. Лекин уч кун ўтгач, Хусан Пардаев бу танани Оқмирза Муҳаммадиевдан сотиб олганини айтиб, топилган молимни олиб кетиб қолди.

Додимни кимга айтаман? Албатта, халқ судига-да. Даъво аризамга биноан тергов ўтказишди, текширувда чорва дўхтири ҳам қатнашди. Гувоҳлар фикри ва далиллар ҳақиқат тарозисига қўйилгач, бу тана меники эканлиги аниқланди — суд шундай ҳукм чиқарди. Ҳ. Пардаев норозилик билдириб, вилоят судига мурожаат қилди. Ниҳоят Жиззах вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов коллегияси масалани ҳар тарафлама ўрганиб чиқиб, менинг даъвомни қаноатлантириш бўйича чиқарилган ҳал қилувчи қарорни ўз кучида қолдирди.

Энди танани олгандирсиз деб ўйларсиз? Қаёқда? Фориш туман халқ суди ижрочиси А. Турсунов танани менга олиб бериш учун келганди, Ҳ. Пардаев унинг гапини сариқ чақагаям олмади: «Жўна, бу танани ҳеч кимга бермайман», деб тутун қайтарди.

Қўлимда иккита суднинг қарори: бу ҳужжатларда тана меники эканлиги айтилади. Лекин жониворни Ҳ. Пардаев ҳамон ўжарлик билан ушлаб турибди. Энди кимга борсам экан?

Мамаражаб ЖУМАШЕВ,
Фориш туманидаги Карл Маркс номли давлат хўжалиги

ТАНБЕҲ — АЛ ҒОФИЛИН

6. КАСБ ЭГАСИНИНГ АСРОРИ ҲАҚИДА

Ҳунари борнинг унари бор, унарининг асрори бор!

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтмишлар: «Бир ҳунарни ўргандингми, албатта, шу ишингнинг давомчиси бўлсин. Ёнингда қирқ шогирдинг бўлса, демак Аллоҳ-таоло сендан мингдан-минг розидир.

Лекин, бу муборак сўзларга амал қилмовчи касб эгалари кўпдирким, касблари қадрсиз, бозорлари касод бўлишдан қаттиқ қўрқадилар. Шу боисдан касбларнинг асрорини қалбларда жавоҳирдай асрайдилар.

Ривоят:

Қўли гул наққош бўлиб, унинг таъриф-тавсифи етти иқлимга кетган экан. Буюртмачиларнинг кети узилмас, устанинг эса қўли-қўлига тегмас экан. Устанинг ёнида майда ишларни қилиб юрувчи йигитча, шундай сўз солибди:

— Ишингизнинг нозик жойларини бажараётганда бизни ҳоли қўясиз. Майли, бизлар хизматкорингизмиз. Нима учун касбингизнинг асрорини ўз ўғлингизга ўргатмайсиз?

— Ҳозир унинг иши — билим олмоқлик,— деб жавоб берибди уста.

Орадан йиллар ўтибди.

Йигит яна мавридини топиб, ўша саволини қайтарибди:

— Ўғлингиз мадрасани тамомлади. Муридлик қилгандан кўра, касбингизни ўрганса бўлмайдими?

— Вақти соати билан ўргатурман...

Тақдир тақозоси билан уста оғир касалга чалиниб, ётиб қолибди.

Катта харажатга ўрганган оила чиқимдор бўлиб, тирикчиликдан баракат кўтарила бошлабди. Устани кўргани келган хизматкорлар ҳолаҳвол сўраганларидан кейин, эски мавзуга қайтиб:

— Уста, сиздан асло гина-қудуратимиз йўқ. Ҳали ҳам кеч эмас, ўғлингизга амалингизнинг сирларини ўргатинг, ёнида туриб унга кўмаклашайлик,— дейишибди.

Уста «Бу насли-насаби паст хизматкорлар ўғлимнинг кўнгли бўшлигидан фойдаланиб, касбимни ўрганиб оладилар ва бозорим касод бўлади» деган хаёлга борибди.

— Эрта-индин ўрнимдан тураман...

— Уста, кўнглингизга беҳуда ўй келмасин, ҳунарингиз изсиз кетмасин, деган ниятдамиз.

Уста индамабди. Ўрнидан турмай, фанога равона бўлибди.

Эй ҳунари гўзал инсон, нега касбнинг давомини ўйлашда кўнглинг торлик қилди? Тириклигингда қилган ишларингни кўриб, кўз қувонди. Нега шу гўзалликдан невара-чевараларинг баҳра олишини истамадинг?

Бу ривоятни эшитган усталар эътироз билдиришлари табиийдир. Сабаб, сир сақламоқ лозимдир. Лекин, сир сақламоқнинг ҳам ўз чегараси бор.

Ривоят:

Улкан масжид, хонақо ва мадрасаларни чизмасидан то охирги бўёғини қўлдан чиқарган меъмор ва наққош уста вақти-соати тугашини сезиб ўғлини ёнига чақириб, насиҳат қилди:

— Меҳрибон ўғлим. Сен энди менинг, мен сенинг иқтидоринг билан яшайман. Сендан ёлғиз умидим, касбингни бошқалардан асло дариғ тутма. Устозимга шундай ваъда берганман. Мендан кейин, сендан кейин ҳам ҳунаримиз яшаши керак. Аллоҳ гўзалликни севган бандаларни доим суяйди. Гўзаллик энг яхши хулқларимизнинг дебочасидир. Азиз болам, буни асло унутма!

Ўғил отанинг васиятини бажо келтирибди. Ёнига иқтидорли ўсмирларни олиб, падарининг касбини давом эттирибди. Иттифоқо, мадраса қурилаётган ерга ўзга шаҳарлик, гадо кийимидаги бир йигит келиб, устадан шогирдликка олишини илтимос қилибди.

Йигит — уста оққўнгиллик билан ҳунар ўрганишни истаб келган йигитни синовдан ўтказибди. Кўнглида унга иштибоҳ уйғонибди. Шогирдлари ёнидан юмуш берибди. Орадан бир қанча вақт ўтгандан сўнг у анча тажриба тўплабди. Устанинг барча ҳадисларини ўрганибди. Фурсат топиб ёнидаги ҳамкасбларига шундай сўз айтибди.

— Сизларга ҳайронман. Устанинг тайин қилган маошига қандай тирикчилик қиляпсизлар? Кеча мамлакатим султонидан мактуб олдим. Султонимиз ўз номаларида мен билан бирга борган усталарга катта маош тайин қилишни, ер-сув, уй-жой билан таъминлашни ваъда қилибдилар.

Йигитларнинг кўпчилиги мадраса ҳужрасида яшаб, тирикчилик қилганликлари учун бу гапга сеҳрланиб қолибдилар. Кўчларини йиғиштириб, устанинг олдига борибдилар:

— Уста берган нон тузингизга рози бўлинг. Бизни фалон мамлакатнинг фалон султони хизматга чақиряпти.

Уста-йигит ўзга шаҳарлик шогирднинг қадам олиши бежолигини сезиб юрар, лекин масала шу тариқа тугашини сира кутмаган экан. Жавоб сўровчилар кўпчилик бўлгани учун эътироз билдиришнинг мавриди эмаслигини англаб, шогирдларига жавоб берибди:

— Майли, ҳунарли бўлинглар. Илтимосим, касбингизга асло ҳаром аралашмасин. Санъат покликни талаб қилади. Яна бир шартим бор.

— Айтинг устоз,— дейишибди улар бараварига, рухсат берилганидан хурсанд бўлиб.

— Агар у ерда касбни хор қилиб, қайтиб келсангизлар, сафимизда сизларга жой йўқ.

Шогирдлар бу гапга енгилгина маъқул жавобини бериб, жўнаб кетибдилар.

Воқеани ўзга шаҳардан эшитинг.

Ҳунар ўрганиб кетган йигит — «уста» ихтиёрига келган усталарни тавозе билан кутиб олиб, бир ҳафта меҳмон қилибди. Бу орада ширкат тузиб, шу шаҳарлик бою-боёнларнинг хонадонларида безаш ишлари бошлаб юборибди. Усталарнинг эътирозига «Султонимиз қурилиш учун ҳали маблағ ажратгани йўқ. Иншоолоҳ, ўша кунлар яқин. Ўша кунгача қандайдир киримга эга бўлишимиз керакми?» деб жавоб қайтара берибди.

Вақт ўтиши билан усталар орасидаги тийракроқ йигитлар ўз шаҳарларидан ҳунар ўрганиб келган «уста»нинг қулларига айланиб қолганларини англаб астойдил норозилик билдирибдилар. Қуллиқ кундасига қўйилган бошни ким ҳам озод қиларди.

Аммо усталардан бир нечтаси имконият топиб, ўз шаҳарларига омон-эсон қайтибдилар. Устозларининг бетоб ётганлигини эшитиб, унинг ҳовлисига боришибди.

Эгилган бошни таъна тошлари билан тошбўрон қилиш, таққирлаш мўъминмусулмоннинг иши эмас. Устоз шогирдларини бағри кенглик билан кутиб олибди:

— Хом сут эмган банда эканман. Агар ўша андини ёнимга олиб, ҳунар ўргатмаганимда, сизлар ҳам бунчалик азобга қолмас эдинглар. Илож қанча, ҳамкасбларингиз қошига бориб, ишингизни давом эттираверинг. Энди ўғлим иш боши...

Шогирдлар изза бўлиб, ўз иш жойларига қайтибдилар.

Фарзандим, дилбандим! Касбингни асло бойлик тўплаш манбаига айлантирма! Касбинг неъматидан аввало одамлар баҳраманд бўлсин. Сохта «уста» каби юзинг шувут бўлмасин.

Ўша «уста» султон номидан қалбаки иш кўргани учун ўз жазосини олганидан сени огоҳ этай!

Нашрга тайёрловчи
Музаффар МИРЗО

ЛАТОФАТ ЭВАЗИГА КЕЛГАН НИШОНЛАР

У (унинг исм-шарифини айтишга журъат қилмадим, зеро, бунинг ҳожати йўқ) аёл боши билан тузатиш-механика заводида токарлик қилади. Туман кенгаши ноиби, I, II даражали Меҳнат Шуҳрати ордени ҳамда бир қанча медаллар соҳибаси, жамоат ишларида бош-қош. Ёши 29 да, ҳали турмушга чиқмаган. Оилада тўнғичи — ундан кейин 9 укаси бор. Отаси II гуруҳ ногирони, чол-кампир нафақаларига қараб қолишган, шу сабабли ҳам эсини таниганидан буён оила ташвиши унинг зиммасида. 15 ёшлигида завод қошидаги ўқув ишлаб чиқариш комбинатини битириб чиққандан буён токар бўлиб ишлайди.

Цехга кирдиму эшик яқинидаги дастгоҳ атрофида куймаланаётган аёлдан уни сўрадим. Паст бўйли, жиккаккина бу аёл халатининг енги билан пешонасидаги терни сидира туриб, «менман» дея кулимсиради. Бир лаҳза тилимга сўз келмай, каловланиб қолдим. Қаршимда юзини қаримсиқ босиб улгурган, 35-37 ёшлардаги аёл турарди...

Дафтарчамга ёзиб олган саволлар саволлигича қолди. Оиласи, ўзи ҳақида суҳбатлашишга ҳаракат қилдим. Суҳбатимиз анча совуқ кечди. Аёлларга хос юмуш билан шуғулланмай, эркакларнинг ишини бажариши сабабини сўрадим. У қисқагина қилиб, «тақдир» дебгина қўя қолди. Кейин базўр жазм қилиб, ҳамон турмушга чиқмаганлиги боисидан гап очдим. У менга ялт этиб қаради-да, «эрга тегсам, укаларимни ким боқади», деганича қизариб кетди. Жуда ноқулай аҳволда қолдим. Хайр-маъзурни чала қилдим-да, цехни тезроқ тарк этишга ошиқдим...

Яқинда завод атрофида турадиган танишим тасодифан ўша қиз ҳақида гап очиб қолди. Айтишича, у «бузилиб» кетган эмиш. Танишим унинг отаси бир йил муқаддам қазо қилганлиги, шундан кейин уйланган укаларининг хотинлари уни қари қиз деб чиқиштирмай қўйганликлари, бунинг асосий сабабларидан бири бўлганлигини айтиб берди. Аён бўлдики, ўша пайтда у менга кўнглидаги гапларни айта олмаган экан. Унинг ўрнида бир қоп ёнғоқдай шалдур-шулдур, ўта шаддод қизнинг ҳам аввало қизлик ҳамияти ва ор-номуси йўл қўймасди бунга. Хуллас, эшитиб тош қотдим: унга мактабни битирганидан буён бирон йигит совчи қўймаган экан! Илгарилари-ку 18-19 ёшга кирган қизлар ҳам қари қиз ҳисобланар экан, у эса... Оламдаги бор жонзотлар ичида кўнгил нозиклигидан ҳеч кимга тенг келмайдигани — қиз бола учун бундан ҳам ортиқ маломат ва бахтсизлик борми дунёда?!

Минг таассуфки, шу сингари аянчли воқеалар ҳаётимизда сийрак учрайдиган ҳоллардан эмас. Умр бўйи бир бор бўлса ҳам келинликнинг шаффоф либосига бурканишни ич-ичидан хаёл қилиб, ширингина энтикиб қўя қолиш билан кифояланиб, уззу-кун тақдирдан ўзларига кушойиш тилаганлар ва тилаётганлар кам дейсизми? Айни мана шу ҳодисанинг ўзи, гарчи ташқи кўринишидан жиддий мулоҳазага лойиқ эмасдай туюлса-да, аёлларимиздаги маънавий таназзулни келтириб чиқарадиган алоҳида эътиборга молик жиҳатларидан биридир.

Хўш, ўша аёлнинг шу аҳволга тушишига нима сабаб бўлди? Оилавий шароити ҳам шуни тақозо этдими? Ёхуд бошқаларга ўхшаб чиройли, бежирим тикилган либослар кийиб, ўзига яхши қаролмаганими? Балки, у заводда, токарлик цехида ишламасдан, аёлларга хос юмуш билан машғул бўлганида, бахтини топиб кетармиди? Ахир ким ҳам аёли заводда қўпол либос кийиб, юз-қўли қора мойга ботиб, эркаклар орасида ишлашини хоҳлайди? Уни кўкларга кўтариб мақтаб, кўксига нишонлар таққан раҳбарлар ҳеч бўлмаса бир бор унинг дардлари ҳақида ҳам ўйлаб кўрганмикинлар? Турмушга чиқмаган бўла туриб, 29 ёшида нега юзлари қаримсиқ тортиб қолгани сабабини суриштирганмиканлар? Билмадим. Унинг тақдирдошлари эса оз эмас.

Ўша аёлнинг шу куйга тушишига ким айбдор, гуноҳкор ким? Унинг ўзими? Одамларми? Жамиятми? Ана шу саволлар дилни ўртайди.

Абу Латиф ЁДГОР
Тошкент

ЎЛИК ЮВУВЧИ АЁЛ

...Икки йил муқаддам рўй берганди бу учрашув. Мутлақо тасодифан. Кичкина корхонада ишлайдиган хотин-қизларнинг иш шароитидан нолиб ёзган шикоят хатларини текширишга борган эдим. Каттагина шаҳарда кўним топган бу даргоҳда, ҳақиқатдан, аёлларга мос шарт-шароит яратилмаган, қўлда бажариладиган юмушларни эркак зоти уддаласа, жон дердингиз.

Аввал хатга имзо қўйган аёллар билан яккама-якка гаплашишга аҳд қилгандим. Кейин калондимоғ раҳбарлар билан...

У учинчи ёки тўртинчи бўлиб кирди. Тўладан келган, қирқ беш ёшлардаги, ёшлигидаги гўзаллигини йўқотмаган аёл. Эътиборимни қулоқларидаги сирғалар, бармоқларидаги қўша-қўша узуклар тортди. «Камбағаллик жонимизга тегиб кетди...» деб нолинган ҳасратномага имзо қўймаганми булар? Ахир, бу аёл...

Олдинги суҳбатдошларга берилган саволни такрорладим. Нимадан норозилар? Шикоятга мажбурлаб имзо қўйдирмадиларми? У ҳамкасбларининг жавобларини тасдиқлади, қўшимча қилди: «Йигирма олти кун ишга қатнаб, уззу-кун ишлаганинг билан берадигани саксон сўм. Бунга бола-чақа боқиб бўладими?» Сўраш мавриди келганди. Қимматбаҳо сирғалар, узуклар, кийим-кечаклар...

Саволимни бамайлихотир эшитгач, лабларининг учида бир қимирлаш зоҳир бўлди. Балки кесатик, балки кулиш. Кейин бамайлихотир жавоб берди. Гўё ҳар куни юз марта шу саволга дуч келадиган одамдай. «Ўлик юваман, билсангиз...Ўшанда беришади. Бирови узук, бирови кийимлик мато...» «Нима!.. Бу ишни савоб учун қиласизми?»

«Савобми-йўқми билмадим. Бу ҳақда раҳматлик онамдан сўраб ҳам кўрмаганман. Ювишим керак экан — юваверамиз. Ўрганган одат. Касб деса ҳам бўлаверади...» Ҳа, энди эсладим. Воҳанинг муқаддас қадамжоларига зиёратга қатнайдиган, тақводор онамиз айтиб берганларини эсладим. Вилоятнинг қайси бир эл, элатларида ўлик ювиш билан шуғулланадиган алоҳида қавм — одамлар бўларкан. Рўпарамдаги аёл ҳам худди шу қавмдан. Кўнглига тегмаслик учун «юмшоқроқ» савол бердим. «Онамдан сўраб кўрмабман, дедингиз. Нима онангиз билармидилар. Яъни сиз!.. «Ўлик ювишни онам ўргатган. Умуман, бизнинг маҳаллани «ўлик ювувчилар» деб аташади. Катта-кичик ҳамманинг бошида бор бу юмуш. Отам раҳматлик ҳам ўлик ювардилар. Мен болалигимда жанозага айтиб кетганларни ва ўша урушдан кейинги қаҳатчилик йилларида ярим зоғорами, бир ҳовуч арпа унини келтиргани кечагидек ёдимда. Ўша йиллари аврамчилик (ўлим, етим кўп бўлди, демоқчи) бўлди. Кун аро кимдир ўлади... Онам эса узоқ-яқиндан келган одамларнинг ҳожатини чиқарарди. Унга одатда «хизмат ҳақи» учун марҳуманинг кийим-бошини бериб юборишарди. Сўнг онам бизларга емиш олиш учун уни бозорга чиқариб сотарди. Илк марта онам билан ўлик ювишга борганимда ҳали йигирмага ҳам тўлмагандим. Ўша йили турмушга чиқдим. Онам бечора ота-бобомизнинг касбини сен ҳам давом қилдиришинг керак, бизнинг насибамиз шундан, дердилар...» Аёл бидирлаб гапирар, эҳтимол, шу билан қалбимда ўзига нисбатан шафқат ҳиссини уйғотмоқчи бўларди. Воқеа қизиқ ва қўрқинчли эди...

«...Биринчи марта борганимда, ёшгина қиз ўлган экан. Бизлар тенги бўлса керак. Онам қумғонда киритилган сувни қўлимга бериб, қуйиб туришимни буюрдилар. Шу ерда ивирсиб юрган кекса кампир ҳам қарашди. У ҳам ўликнинг яқинимми, бизга ўхшаган эҳтиёжмандми, билмадим. Онам марҳуманинг қўлидан тутиб, бир ёнбошига ётқизиб, ушлаб туришимни буюрдилар. Эътиборсизлик билан қўлидан тутдим ва сесканиб кетдим. Қўллари муздек эди...» «Қўрққанмисиз?» Яъни жасад ҳар хил бўлади?..» «Йўқ! Баъзида оғир хасталикдан узоқ йиллар ётиб, ўлган аёлларни, кампирларни ювишимизга тўғри келади. Танасининг бутун жойи қолмаган. Бадани ҳилвираб, яра-чақа бўлиб кетган. Қаттиқроқ ишқаласангиз, териси шилиниб кетади...» Шу ўринга келганда мен ҳам сесканиб кетдим. Узоқ вақт тўшакка михланиб ётиб, жон таслим қилган бир қишлоқдошимизни ювaётган пайти кирганим эсимга тушди. Ўшанда қўлига «халта кийган» чол «қаттиқроқ ишқалашнинг имкони йўқ, териси шилиниб кетяпти...» деганди. Бу аёл эса, жарроҳлик бўлимида кунаро касал ёрадиган дўхтирдек бамайлихотир сўзлаяпти.

«Ҳозир ҳам айтишади... Борамиз. Нима қилайлик, ота-бобомизнинг касби шу экан... Бир томони тирикчилик. «Энди ҳар қандай саволни бераверишн мумкин. Шундаям ҳазил аралаштириб сўрадим: «Шунча топарсансиз, ойликдан нолиб, шикоят ёзиб юришингиз қизиқ?» «Бошқаларчи, одам эмасми? Мен-ку тирикчиликни ўтказиб тургандирман. Шукур, қорнимиз тўқ, устимиз бут. Лекин, ёшуллининг бир мажлисда ҳақорат қилгани қаттиқ ботди. Ўлик ювишимни юзимга солди. «Сен шу касбкоринг билан ҳам қалъа қурасан», деди... Шунинг учун кўпчилик айтганда имзо қўймайман, деб четда қолмадим...»

Биз кулиб хайрлашдик. Қўл узатди. Самимий. Қўлларини кафтимга олиб, сиқарканман, бир кўр назар ташладим. Унинг қўллари тоза эди. Қўша узуклари эса бармоқларимда из қолдирди... «Саломат бўлинг, опа. Сизга-ку, ҳеч кимнинг иши тушмасин. Майлими?» У кулимсиради. Ўша пайтда юзидаги латофат тағин жонланди. Суҳбат чоғида совуқ, тунд туюлган қиёфаси ёришиб кетди... Нима демайлик, у чиройли аёл эди.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Оила ва жамият» мухбири
Хоразм вилояти

Дераза

КИМГА ИШОНИШ МУМКИН!

Хорижий сафарга жўнаш олдидан Москвалик бир бойваччанинг роса боши қотди: нотинч замонда уй-жойини, мол-мулкини кимга ишониб ташлаб кетса бўлади? Уйига занг (сигнализация) ўрнатилган эди, шунга ишонмоқчи бўлди. Аммо бари бир кўнгли тўлмади, кетиш олдидан бир шиша хорижий конъякни заҳарлаб, музлатгичнинг кўринарли жойига қўйиб қўйди. Сафардан қайтгач, уйига кириб, киши етти ухлаб тушга кирмайдиган фожианинг устидан чиқди. Музлатгич олдида уч қўриқчи — миршаб дон қотиб ўлиб ётарди. Суд уй эгасини оқлади, деб хабар беради «Семья».

ОИЛА НИМА!

Машҳур оилашунос олим, фалсафа фанлари доктори А. Антонов яқинда қизиқ бир фикр айтди. Эркак билан аёлнинг турмуш қуриш ниятида қовушиш, никоҳдан ўтиши ҳали оила дегани эмас. Битта фарзандли бўлганида ҳам бу жамоа оила бўлолмайди. Икки фарзандли бўлишса, «яримоила» фарзандлар сони учдан ошсагина уни тўкис оила деб аташ мумкин экан. Хўш, Сиз оилада яшайсизми ёки?..

ХУДО САҚЛАСИН

Эстонияда бир квт/соат электр қуввати учун тўланадиган ҳақ бир сўмга етди. Бундай кўргуликдан худо сақласин. Бизда ҳозирча 8 тийин.

ОЛТИ ЙИЛ ОЛДИН

Футбол қироли Пеленинг шахсий соқчиси, машҳур боксчи Майк Тайсон олти йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди. У «Америконинг қора танли гўзали»ни зўрлагани учун шундай жазога гирифтор бўлди. Қайси бир йили у Пеле билан Московга келганида интервью олаётган ўрис қизнинг ҳам чиройли оёқчаларига суқланиб қараган эди, деб куюнади «КП».

Дарвоқе, аёллар масаласида Пеленинг ўзи ҳам фаришта эмаскан. Бразилияда унинг ҳам никоҳсиз туғилган қизи борлиги маълум бўлди.

«ВОЛГА — 300», «ЧАЙКА — 700» СЎМ

«Народная газета»нинг ёзишича, Ленинград вилояти шўро ижроқўмининг автобазасида минилган, аммо камёб машиналар мансабдор шахсларга ана шундай нархда сотилмоқда. Бу пулга ҳозир Русияда дурустроқ товуқ ҳам олиб бўлмайди.

«ТИКИБ... ДАМ ОЛИНГ!»

Америқода тикиш мошинлари яна урфга кира бошлади. Мошин сотувчилар ўз молига харидорларни: «Марҳамат, тикиб... дам олинг!» деб чорламоқдалар. Сабаби америқолик хонимлар, мажбур бўлгандан эмас, балки чарчаганларида эрмак қилиб, дам олиш учун кийим тикар эканлар.

ТЕМУР ПЎЛАТОВ ИШСИЗ ҚОЛДИ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Т. Пўлатов ўтган йили Ҳамдўстлик Мамлакатлари Ёзувчилар уюшмасининг раиси этиб сайланган эди. Яқинда Юрий Черниченко бошлиқ бир гуруҳ «демократ ёзувчилар» уни лавозимидан четлатишди. Ўзбекистонлик адибни уюшма маблағини суистеъмол қилишда айблашмоқда. «Ёзувчилар уюшмасидаги маънавий муҳит кушхонадагидан фарқ қилмас экан», деди Т. Пўлатов. Ҳозирча унинг иш кабинети муҳрлаб ташланган. Ҳокимият учун «жанг» давом этмоқда.

Дунё фалсафаси тарихида туғилиши биланоқ таҳқир муҳри урилган оқим ёки қарашлар кўп бўлган. Шундай «оқпадар» фалсафий қарашлардан бири — олмон файласуфи Фридрих Ничшега тегишлидир.

Ф. Ничшени шу вақтгача фашизмнинг мафкурачиси деб келинган эди. Бу нотўғри. У ўз қарашларида «чўпон нима деса маъқуллаб, кавш қайтариб турган сигирлар подасини» эмас, ШАХСни тарбиялашни бош мақсад қилиб қўяди. Унинг фалсафаси «одамларга ёмонлик тилаб, яхшилик қилувчидир» (Ҳёте).

Эътиборингизга ҳавола этилаётган таржимага келсак, улардаги айрим фикрлар мунозарали бўлиши мумкин. Лекин фалсафа сиз билан бизнинг қарашларимизга мос келадиган фикрлар мажмуасидангина иборат эмас. Ўзимиздан «ташқари»даги қарашларни ҳам билиб қўйсак, фойдадан ҳоли бўлмайди. Зеро, билим эътиқодни поймоҳ этмайди, аксинча, озиқлантириб туради.

АҲЛИ АЁЛ ҲАҚИДА

Намозгарда бир кампирни учратиб қолдим. У менинг руҳимга: «Зардўшт биз аёлларга кўп нарса айтди, бироқ АЁЛ ҳақида ҳеч нарса айтмади», — деди зорланиб.

Мен эса унга эътироз билдирдим: «Аёл ҳақида фақат эрлар билан гаплашиш мумкин».

«Бу ҳақда менга ҳам гапиравер, — илтимос қилди у,— менинг ёшим ўтиб қолган, бирпасда ёдимдан чиқиб кетади».

Мен унинг ўтинчига қулоқ тутдим ва шундай дедим:

Аёлнинг турган-битгани — жумбоқ, лекин ҳаммасини бир ечими бор, у ҳам бўлса, унинг иккиқатлигидир.

Аёл — эр учун восита: мақсад эса ҳамиша боладир. Бироқ аслида аёл эр учун ким?

Ҳақиқий эр ҳамиша икки нарсани: хавф-хатар ва ўйинни истаб юради. Аёл энг ҳавфли ўйинчоқлардан бири бўлгани учун ҳам унга керакдир.

Эр уруш учун, аёл эса жангчи ҳордиқ чиқариши учун тарбияланмоғи лозим; қолган ҳамма нарса — беҳуда.

Жангчи жуда хушхўр меваларни ёқтирмайди. Шунинг учун ҳам у ўзи учун тахир ва уларнинг энг ширини бўлган аёлни танлайди.

Аёл эрдан кўра болаларни яхшироқ тушунади, лекин эрда аёлга нисбатан болалик хислати кўпроқдир.

Ҳақиқий эрнинг ичига ўйинқароқликни яхши кўрадиган болакай яширинган. Эрдаги болакайни топинг, аёллар!..

Аёл тоза ва ҳали туғилмаган дунёлар фазилатини ўзида жамул-жам этажак нур таратаётган қимматбаҳо дур бўлсин!

Унинг муҳаббатида юлдузлар шуъласи жилва қилсин! «О, мукаммал инсонни туғсайдим. О, мен туғажак бола қудратли одам бўлсайди!»— унинг ёлғиз истаги шу бўлсин!

Илоё, унинг севгисида ҳассослик муқаррар бўлсин! Илло, бу ҳассослик ила у қўрқув ва қўрқоқларни енгажак.

Илоё, унинг муҳаббатида шарм-ҳаё устивор бўлсин! Лекин аёл деганлари шарм-ҳаё деганда ҳеч балони тушунмайди. Севганларданда қаттиқроқ севишлик ва фақатгина севилмаслик, илоё, унинг ор-номуси бўлсин!

Эр севгувчи аёлдан эҳтиёт бўлмоғи лозим, сабабики: севгувчи аёл ҳар қандай қурбонликка тайёр, бошқа ҳеч нарсанинг унинг учун бир чақалик қиммати йўқ.

Эр нафратланаётган аёлдан эҳтиёт бўлмоғи лозим, сабабики: эр ич-ичидан дарғазаб бўлса, аёлнинг ҳар иши ножўядир.

Аёл кўпроқ кимдан нафратланади?—Темир оҳанграбога шундай деган экан: «Сендан нафратланишимнинг боиси шуки, сен мени ўзингга тортганинг билан тортиб ололмайсан».

Эрнинг бахти «Мен ҳоҳлайман» дер. Аёлнинг бахти — «У хоҳлайди».

«Ана энди дунё мукаммал бўлди!» — деб ўйлайди бутун борлиғини муҳаббатга бахшида этган аёл.

Аёл итоат қилмоғи ва ўз саёзлигига теранлик ахтармоғи керак, сабабики: у саёз сувликнинг бетида қалқиб юрган кўпикдир.

Эр эса, аксинча, терандир, ер ости ғорларида маҳобатли тўлқинлар оқими пишқиради: аёл унинг кучини англаб етмайди, балки эласэлас ҳис қилиш билан чекланади».

Шу ерга келганда кампир менга эътироз билдирди: «Зардўшт биз аёлларга, айниқса жувонларга кўп хушомад гаплар айтди.

Ажабо, Зардўшт Аёлларни билмаслиғи баробарида улар хусусинда тўғри сўзлайдур! Эҳтимол, бу аёлда мумкин бўлмаган нарсанинг ўзи йўқлиги учундир?

Энди мендан кичик бир ҳақиқатни ташаккур ўрнида қабул қилгайсан! Мен бу ҳақиқат учун энди қарилик қиламан!

Сен уни яхшилаб ўргангинда, қичқириб юбормаслик учун оғзини ёп.

«Уша ҳақиқатингни менга айт!» — дедим.

Кампир шундай деди: «Аёлларнинг олдига кетяпсанми? Қамчинингни эсдан чиқарма!»

Зардўшт шундай деган эди.

Фридрих НИЧШЕ

НИКОҲ ВА ФАРЗАНД

«Иним, сенга бир саволим бор: мен бу саволни қўрғошин каби нечоғлик теранлигин билмоқ учун сенинг юрагингга ташлаяпман.

Сен ҳали ёшсан, никоҳли ва фарзандли бўлишни истайсан. Бироқ ўзингнинг нечоғлик одам эканингни биларсанми?

Ўз-ўзингни енга олган ғолибмисан сен, ҳисларингнинг тизгини қўлингдами, ҳирсларингнинг шоҳимисан? Сенга беряпман бу саволларни.

Ёхуд истакларингда саркашлик ҳокимми? Ё ёлғизлик қўрқинчими? Ё ўз-ўзидан ёзғириш?

Сенинг ғалабанг ва сенинг эркинг фарзанд кўришни жуда-жуда истардим. Сен ўз ғалабанг ва озодлигингга тирик ҳайкаллар қўйишинг керак.

Сен ўзингдан кейинги «ўзинг»ни кўришинг керак. Лекин даставвал сен ўзингни тиклашинг зарур, ҳам жисман, ҳам руҳан.

Сен нафақат энингга, бўйингга ҳам ўсишинг керак! Бу ўсишда, илоё, сенга эр-хотинлик тупроғи мадад берсин!

Сен мўътабар зотни, ибтидоий ҳаракатни, чархи фалакни ва ниҳоят яратувчини яратишинг керак.

Никоҳни мен икки кишининг ўзларидан-да мукаммал учинчи шахсни яратиш иродаси, деб биламан. Бир-бирига чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан ягона иродага бўйсунганлар иттифоқи деб биламан никоҳни мен.

Илоё, бу никоҳнинг мазмун ва ҳақиқати бўлсин!

О, икки юракнинг бир ночорлиги! О, икки юракнинг бир разолати! О, икки юракнинг аянчли қаноати!

Никоҳ деб аташар буларнинг барин; айтишларича, бу никоҳ осмону фалакларда қийилган.

Начора, фалакнинг бу номатлуб кимсаларини кўрарга кўзим йўқ. Осмон тўрига ўралашиб қолган бу нодонларга тоқат йўқ менда.

Сиз бу никоҳларни ажрим қилманг! Менга айтинг, қайси бир гўдак ота-онасининг дастидан юм-юм йиғламайди?

Бу одам менинг кўзларимга мўътабар ва тупроқнинг маънисини англаган зот бўлиб кўринади: лекин унинг аёлига кўзим тушиши билан тупроқ менга телбаларнинг уйи бўлиб туюлади.

Мен мода ғоз билан дон олишаётган тақводорларни кўрганимда ерлар ёрилишини истайман.

Назаримда, харидорларнинг бари ўта эҳтиёткор, кўзларида айёрлик зоҳир этиб туради. Лекин уларнинг энг писмиғи ҳам хотинини кўрмай туриб сотиб олаётгани мен учун эриш туюлади.

Сизлар жиндай жинниликни муҳаббат деб атайсиз. Никоҳингиз эса бир умрлик тентаклик каби жиндай жинниликларингизга барҳам беради.

Сизнинг хотинингизга муҳаббатингиз, аёлнинг эрига муҳаббати: о, бу муҳаббат, ғамбодаларга ва сирли худоларга шафоат бўлса эди! Лекин ҳамиша кўр кўрни қоронғида топади.

Ҳаттоки, сизнинг энг содиқ муҳаббатингиз ҳам жазаваларр тўла рамзу, норасо сўқирдай бошқа нарса эмас. Муҳаббат сизнинг имонингиз йўлини ёритувчи машъалдир.

Қачонлардир ўзингиздан бошқани ҳам севишга мажбур бўласиз! Севишни ўрганинг! Муҳаббатнинг аччиқ шаробини сипқоришга, барибир мажбурсиз!

Энг кучли муҳаббатнинг жомида ҳам талх шароб бор: Бу шаробнинг таъми мукаммал инсонга иштиёқ қўзғайди, бу шаробнинг таъми билан яратувчи сени ўзингга ташна қилади.

Бу шаробнинг таъми сени яратгувчига илҳақ этади: сўйла, иним, шуми сенинг никоҳга интилишинг?

Мен учун шу интилиш ва никоҳ муқаддасдир».

Зардўшт шундай деган эди.

ФАХРИЁР таржимаси.

ҲОЖИ ОНАЛАР

Суратчи: Х. МАМАТҚУЛОВ

Бош муҳаррир: Қулман ОЧИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Жуманазар БЕКНАЗАР, Дадахон ЕҚУБОВ, Муҳаббат ИБОДОВА, Абдуҳошим ИРИСБОЙ (бош муҳаррир ўринбосари), Тўлқин ҲАЙИТ (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Қувондиқ БЕРДИЁРОВ, Мейли ЙЎЛДОШЕВ, Рўзимат САФОЕВ, Абсалом УСАНОВ, Баҳодир ЭШОНХОНОВ, Ўрол ЎЗБЕК

Таҳририят келган хатларга ёзма жавоб қайтармайди. Шунингдек, фуқаролар билан ташкилотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди.

Газетамиз ҳомийлари — Ғаллаорол туманидаги «Ғаллаорол», Муборак туманидаги Хитой давлат хўжалиги, Наманганда «Тўқимачи» маданият саройи.

МАНЗИЛИМИЗ: 700029, Тошкент — 29 Намойишлар хиёбони, 1-бино. Телефон: 39—43—95 Обуна индекси 64654 Буюртма 42

Ўзбекистон Республикаси «ШАРҚ» нашриёт — матбаачилик концерни Тошкент шаҳри

Габрово ҳангомаларини жаҳон севиб ўқийди. Бирор жойда латифа айтиб қолсак, «габроволик бўп кет-э», дейишади. Ўз қадр-қимматини билган халқ миллий урф-одатларига, санъатига, умуман ҳамма-ҳамма нарсаларига тийрак кўз билан қарайди. Гоброволиклар ана шундай йўл тутганлари учун ҳам жаҳонга танилишган.

Бизда ҳангома усталари йўқ дейсизми! Керак бўлса, ҳар бир қишлоғимизнинг ўзи бир гоброво.

Дашнобод — Ўзбекистоннинг энг қадимий қишлоқларидан бири. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, унинг ёши бир ярим минг йилдан ошган. Икки дашнободлик бир ерга йиғилса, албатта ҳангома қилишади.

Қуйида Дашнобод ҳангомаларидан айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

ДАШНОБОД *ҲАНГОМАЛАРИ*

ҚУРУҚ ҚОЛИШНИ ИСТАМАДИ

Дашнободлик ҳеч қачон бирор нарсадан қуруқ қолишни истамайди.

Колхозлаштириш йиллари эди. Марказдан келган вакил қолоқлар ҳақида куйиб-пишиб гапириб, ҳаммага ҳайфсан эълон қила бошлади.

— Ишда катта хатоларга йўл қўйган ўртоқ раис Бердиевга, омбор мудири Сулаймон Содиққа, ҳисобчи Саттор Тўраларга виговор эълон қиламан. Ҳов ана, у дўппили киши ким ўзи?.. Ҳа, у кишига ҳам виговор. Стройгийсидан. Ҳов, бошингизни кўтаринг, сизга ҳам виговор...

Олдинда ўтирган бир кампир қўлини кўтариб ўрнидан турди:

— Ҳай болам, ўша виговўрингдан маним бачамгаям озгина бергин!

Вакилнинг энсаси қотди ва қўлини пахса қилиб деди:

— Э, ана боринг, сизди бачангизгаям виговор!

Кампир мамнун бош силкиди. Бошқалар эса кулиб юборишди.

АНОЙИ

Шўро давлатида саводсизлик тугатилиши, ҳаммада аттестат бўлиши лозим эди. Дашнободликларнинг аттестати йўқлари кечки мактабда ўқишарди.

Куни кеча Ашурвой юқори синфни тамомлади. Имтиҳон пайтида уни йиқитишмоқчи эди, лекин эплашолмади. Ашурвойнинг оғзи очиқ деганлар ўнтанинг бештасини айтибди.

Имтиҳонга кириш олдидан белига бир эмас, иккита рўмол ўради, инс-жинс таъсир қилмайдиган туморини сиқимига олди. Ичкарига кирган заҳоти Ҳасан математик уни саволга тутди:

— Бу йил томорқангиздан неча кило анор олдингиз?

Ашурвой ўйлаб ўтирмасдан жавоб берди:

— Ўн кило!

Ҳасан математикнинг қошлари пешонасига парвоз қилди:

— Ўн беш сўтиқ томорқадан ўн кило анор олар эканларми? Кимни лақиллатмоқчи бўляпсиз?

— Сиз ҳапа бўлманг, домуллажон — деди Ашурвой иржайиб. — Фалон тонна анор олдим десам ўзимга қийин: ўн сўмдан қанча бўлади, десангиз ҳисоблаб беролмайман-да!

РЕСТОРАН ЁПИҚ

Қўшни қишлоқдан Дашнободга тўйга келган икки улфат ярим кечаси уйига қайта туриб, яқин оғайнилари Сафар Зўрнинг дарвозаси ёнида тўхташди.

— Сафар Зўрни эритмаймизми? — сўради бири.

— Бўпти, эритамиз — деди иккинчиси.

Дарвозани тақиллатишди. Сафар Зўр ухламаган экан, келиб дарвозани очди.

— Ярим тунда адашиб юрибсизларми нима бало? — сўради у жиддий туриб.

— Ресторанингизда овқатланмоқчи эдик. — деди улфатлар ҳам пинакларини бузмай.

— Инсоф борми ўзи сизларда: официантлар ухлаб ётишибди ахир. — деди Сафар Зўр ва дарвозани қарсиллатиб ёпди.

Тўлқин ҲАЙИТ

ЭЪТИРОЗ

Ҳурматли муҳарририят! Ўтган ҳафта телевидение орқали намойиш этилган ҳаваскор артистлар ижросидаги концертда хотиним, «Яна нима-нима дейсиз?» лапарини ижро этди. Кўшиқ мазмуни шундан иборатким, аёл аро-ҳўр эрининг кирдикорларини айтиб, ёнидагиларга арз қилади. Мен умуман ичмайман, лекин ишхонамда муҳокама қилишди. Бошлиғимиз эътирозимга қулоқ солмай: «Жим туринг, хотинингиз телевизор орқали арз қилса-ю, бизлар томошабин бўлиб қараб турсак бўлмайди», деб хайфсан беришди. Хат ёзишдан мақсадим рўзномангиз менга ёрдам бериб: «Бу бир қўшиқ, ҳаваскор хонанда Рўзвонбибининг эри Алиқул умуман ичмайди», деб маълумот бersанглар. Чунки концерт такрор намойиш этиладиган бўлса ишдан бўшатиб юборишлари мумкин.

Salом билан Алиқул ДАМИНОВ.
Оққа кўчирувчи:
Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ

«ОЛТИТА ОЁҒИ БОР»

Маълумингизким, газетамизнинг феврал ойидаги 9-сонида Эшмамат АБРАЕВнинг «Олтита оёғи бор, иккита туёғи бор», деган топишмоғини эълон қилган эдик. Ва топоғон тақдирланажагини билдирган эдик. Мана, топоғонлар мусобақаси ҳам ўз якунини топди. Ғолиб...

Тошкентлик 66 ёшли Мутал ака ва уларнинг неваралари Даврон Маҳсудов: «Уч кишидан иборат ва икки бош моллари бўлган оила», деб, Гулистонлик Фахриддин Оллоёров: «Эгизакларга ҳомиладор аёл», деб изоҳ беribдилар. Сурхондарёлик М. Норбўтаева эса, «Тегирмоннинг иккита тоши ва чархпалагининг олтита парраги», деб жавоб беribдилар. Яна... Хуллас, юздан ортиқ хилмахил жавоблар...

Ғолиб эса... Таассуфки, ҳеч ким. Топишмоқ жавобсиз қолди.

Тубандаги расмда акс этган нарса, ўша юздан ортиқ муштарийларнинг бошини қотирган жумбоқдир.

Т.Т.

Т.Т.Т ДЕВОРИДАГИ ЭЪЛОНЛАР

Бартер савдоси билан шуғулланувчилар диққатига! Жамоа хўжалигимиз раисини бешга бешни қўшса ўн бўлишлигини биладиган ҳар қандай одамга бошма-бош алмаштирамиз.

* * *

Филимон лақабли малла юнг, қизил бурун, оқ қулоқ мушукнинг хоҳ тириги, хоҳ ўлигини келтирган кишига 500 сўм мукофот бераман. Қаҳрамон гражданларга саломлар йўллаб қолувчи Тўхтасин қассобдурман.

* * *

Узимизнинг «Табани» турганда ғайридин давлатнинг «Ортекс» фирмасига ихлос қўйганлар маҳалламиздаги мачитга қадам босмасин.

* * *

Икки болам билан эрдан ажраб келганман. Ким ҳарбийга олинишдан қутилиб қолишни хоҳласа, менга уйланиши мумкин.

* * *

«Қўлингни кўтар!» кооперативининг учарлари хизматингизга доим тайёр. Буюртма бersангиз, исталган хонадондаги сизга мақбул буюмни бир кечадаёқ келтириб беради.

А. Б. БЕК

БИР ЧИМДИМ ҚЎШИНГ!

УБАЙД ЗАКОНИЙ

Тулкидан сўрадилар:

— Ит қувганда нечта ҳийла кўрсата оласан?

— Юздан ортиқ,— деди тулки.— Итга рўбарў бўлмаслик энг яхши ҳийламдир.

* * *

Хуросонда Халаф деган бир ҳоким бор экан. Унга «фалон қишлоқда бир киши бор, сизга жуда ўхшайди», дейишибди. Ҳоким дарров ўша одамни топтириб келибди, ундан сўрабди:

— Онанг олиб-сотарлик қилиб, улуғларнинг эшигига бориб юрмасмиди?

— Йўғ-е, тақсир нималар деяпсиз?— дебди ҳалиги одам.— Онам умрида остона ҳадлаб кўчага чиққан инсон эмас. Аммо, отам улуғларнинг хизматини қилиб, эшигида ўтин ёриб, сув ташиб юрарди.

* * *

Бир одамни тулки тишлади. Табибни келтирдилар.

— Сени қандай ҳайвон тишлаб олди? — сўради табиб.

— Ит,— деди бемор тулки дейишдан уялиб.

Табиб малҳам тайёрлашга киришганда, ҳалиги одам деди:

— Тақсир, тулки тишлаганда соладиган доридан бир чимдим қўшинг.

* * *

Оғзи бадбўй киши табибнинг ҳузурига келиб, тиши оғриётганидан шикоят қилди. Табиб унинг оғзини очиб, оғриган тишини кўрмоқчи бўлди. Оғизнинг ҳовури димоғига урилиб, кўнглини беҳузур қилиб юборди.

— Қудуқ қазийдиган ёки тувак тозалайдиганларга учрашинг,— деди табиб ҳалиги кишидан узоқлашаркан.— Касалингизни ўшалар тузатишади

Форс тилидан Турсунбой БОЙМИРОВ ўзбекчалаштирди.